

ТОШКЕНТ ОҚШОН

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 163 (9.966)

2003 ЙИЛ 20 АВГУСТ

АҚШ СЕНАТОРЛАРИ САМАРҚАНДДА

САМАРҚАНД, 19 август. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов бугун бу ерда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Сенатининг Ташқи алоқалар бўйича кўмитаси раиси Ричард Лугар раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Ричард Лугар оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш, бу муаммага қарши курашишни кўзда тутувчи қатор халқаро қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда ташаббускорлик кўрсатган сиёсатчидир. У Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш ташаббусини юқори баҳолайди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги кўп томонлама муносабатлар, жумладан, сиёсий ва иқтисодий алоқалар, хавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Айниқса, халқаро террорчилик, экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ва қурол-яроғнинг ғайриқонуний савдоси каби иллатларга қарши курашда икки мамлакатнинг қарашлари муштараклиги ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамламоқда.

Самарқанд шаҳридаги қароргоҳда бўлиб ўтган учра-



шувда томонлар минтақада оммавий қирғин қуролларининг ноқонуний тарқалишига, экологик муаммоларга қарши кураш масалаларини муҳокама қилди. Икки томонлама ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

Ислон Каримов АҚШ Сена-

тида Ўзбекистон ва, умуман, Марказий Осиёдаги муаммоларга ечим топишда минтақа давлатлари билан ҳамкорликка интилиш мавжудлиги, бу ердаги вазият доим америкалик сиёсатчилар қўвонарли эканлигини таъкидлади.

Сухбат чоғида Ўзбекистон-

АҚШ ҳамкорлигига оид ва томонларни кизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Америкалик меҳмонлар Самарқанднинг қадимий обидаларини томоша қилди.

(ЎЗА)

Абдувоҳид Тўраев
олган сурат.

XVI сағоси
Барча мамлакатлардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Кеча Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламентнинг XII сессиясига киритилган масалалар муҳокама қилинди, қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахслар жавобгарлиги тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида Олий Мажлис депутатларидан иборат ишчи ғуруҳини тузишга қарор қилинди.

● Республика Кўз касалликлари клиник шифохонасида АҚШнинг «Bausch & Lomb» фирмаси томонидан ишлаб чиқилган «Miltennim» аппаратининг ўрнатилишига бағишланган тақдирот маросими бўлди.

● Инсон ресурсларини ривожлантириш Ўзбекистон — Япония маркази (IJS) вакиллари Тошкент вилояти, Бўstonлик туманида жойлашган «Зангори олов» болалар оромгоҳида бўлишди.

● Андижон вилоятидаги Бўз, Кўтарма, Чилонзор пахта тозалаш заводлари қайта таъмирланиб, замонавий дастгоҳлар ўрнатилди.

● Нурота туманидаги «Сувлик» қишлоғида замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган қишлоқ шифокорлик пункти фойдаланишга топширилди.

● Қоровулбозор туманидаги «Дўстлик» ширкат ҳўжалигида «Обод маҳалла йили» дастурига бinoзи Маҳалла куни нишонланди.

● Қосонсой туманидаги Чандовул қишлоғи марказида спорт мажмуаси қурилди. Унда каратэ, бокс, енгил атлетика, таэквандо, миллий кураш, стол тенниси, волейбол каби спорт турлари бўйича машғулотлар ўтказиш бўйича барча шароитлар яратилган.

Жаҳонда

● Олий тоифадаги харбийлардан иборат Хитой делегацияси Шимолий Корея ядро дастури бўйича кўп томонлама музокаралар ўтказиш учун КХДРга келди.

● БМТнинг Бағдоддаги қароргоҳида юз берган портлаш натижасида БМТ БШ котибининг махсус вакили Сержиу де Мельо жиддий жароҳат олди.

● Эроннинг Семир шаҳрида полиция ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги тўқнашув оқибатида 8 киши ҳалок бўлди, 150 киши эса жароҳатланди.

● Мароқас суди шу йилнинг май ойида Касабланкада амалга оширилган террорчилик ҳаракатларига дахлдорликда айбланган тўрт кишини ўлим жазосига ҳўкм қилди.

● Бирлашган Араб Амирликлари фуқароси, ёши тахминан 120 ларда бўлган Ҳасан Саед АҚШ Касалхонасида ошқозон операция қилингандан сўнг ҳаётдан кўз юмди. Ўғилларининг айтишича қараганда, у бундай улуг йишга махсус парҳезга риоя қилиш, балик, асал ва кофе ни кўп истеъмол этганили сабабли қадам қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Йўл қурилишни бошқариш тизимини такомиллаштириш, умумий фойдаланиладиган замонавий автомобиль йўллари тармоғини янада ривожлантириш, ортиқча бошқарув тузилмаларини қисқартириш, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари ни сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш учун йўналтирилайдиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қурилиш ва йўл-транспорт коммуникациялари комплекси, «Ўзавтойўл» концерни, йўл ҳўжалиги тизими бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларининг қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик концернини Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик компанияси («Ўзавтойўл» ДАК) этиб қайта ташкил қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда «Ўзавтойўл» компаниясининг «Ўзавтойўл» худудий давлат акциядорлик бирлашмалари неғизида юридик шахс ҳўқуқига эга бўлган худудий

шўба йўл-қурилиш ташкилотлари (Қорақалпоқавтойўл, Андижонавтойўл, Бухоравтойўл, Жиззахавтойўл, Қашқадарёавтойўл, Навоийавтойўл, Наманганавтойўл, Самарқандавтойўл, Сурхондарёавтойўл, Сирдарёавтойўл, Тошкентавтойўл, Фарғонаавтойўл, Хоразмавтойўл) ташкил этиш;

«Ўзавтойўл» компанияси таркибида туман автомобиль йўллари бошқармалари, эксплуатация-линия, йўллардан фойдаланиш, йўл-кўприклардан фойдаланиш бошқармалари неғизида туман йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш-эксплуатация корхоналари тузиш;

2. Қуйидагилар «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белги-лансин:

республикада автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришда ягона техникавий, инвестиция ва ташқи иқтисодий сиёсатни ўтказиш;

(Давоми 2-бетда.)

ҚИСКА
сатрларда

□ **ЭРТАГА** Юнусобод туманидаги 31-меҳрибонлик уйида туман ҳоқимлиги ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташаббуси билан хайрия тадбири ўтказилди.

□ **ТОШКЕНТ** шаҳар ИИББ ходимлари ва Фахрийлари ижтимоий қўлаб-қувватлаш маркази вакиллари Ўзбекистон Давлат тарихи музейига сەҳнат уюштиришди.

□ **ҲАМЗА** туманидаги «Тарновбоши» маҳалласида туман маҳаллалариаро «Мушчал тўйинг муборак — азиз она юртим» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

□ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Журабек» маҳалласида туман хотин-қизлар кўмитаси «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими билан ҳамкорликда ўтказган «Мустақиллик ва аёл» мавзусидаги тадбирда маҳалланинг фаол ёшлари иштирок этишди.

□ **ЯПОНИЯ** ҳукумати ташкил тизимидаги ислохотлар самардорлигига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида пойтахтимиздаги 10 та мактабга беғарз ёрдам кўрсатди. Грант шартномаси асосида Япония ҳукумати томонидан ажратилган маблағ эвазига Чилонзор туманидаги 101-мактабга замонавий компьютерлар, тикув машиналари ва мебеллар келтирилди.

□ **ПОЙТАХТИМИЗДА** ЮНИСЕФ ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан ижтимоий мониторинг лойиҳасининг тақдимот маросими ўтказилди.

□ **СЕРГЕЛИ** тумани фаоллари иштирокида «Мустақиллик ва маънавият» мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбати Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ташаббуси билан уюштирилиб, унда тўй ва маросимларни ортқича сарф-харажатларсиз ўтказиш лозимлиги ҳусусида сўз борди.

□ **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Бўстон» маҳалласида фаоллар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Ислон ва маънавият» деб номланди.

□ **МИЛЛИЙ** матбуот марказида уюштирилган тақдимот маросими «Гулстон» журналининг махсус сонига бағишланди.

□ **ЯНГИ** ўқув йилига ҳозирлик кўраётган Собир Раҳимов туманидаги 315-мактаб биноси тўла таъмирдан чиқарилди.

Тошкент шаҳар ҳоқимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари куриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари, кўприклар, тоннеллар, энг аввало халқро ва давлат аҳамиятига эга бўлган кўприклар ҳамда тоннелларга комплекс хизмат кўрсатиш ва уларни тегишли техник ҳолатда сақлаш ҳамда ўтказиш қобилиятини, шунингдек компания таркибига кирувчи пудрат ташкилотлари фаолиятини таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

автомобиль йўллари тармогини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш истиқболларини белгилаш;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари лойиҳалаш, куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш масалаларининг комплекс ҳал этилишини таъминлаш;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларида курилиш, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини амалга ошириш чоғида белгиланган қоида ва сифат стандартларига риоя этилишини назорат қилиш.

3. Белгилансинки, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари куриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш ҳудудий шўъба йўл-қурилиш ташкилотлари зиммасига, автомобиль йўллари ва йўл инфратузилмасига комплекс хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг техник ҳолати устидан доимий назоратни амалга ошириш эса туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-эксплуатация корхоналари зиммасига юкланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси ва «Узавтоўл» давлат акциядорлик компаниясининг: 2003 йилнинг 1 октябридан бошлаб йўл хўжалигини бошқариш тузилмасидаги республика, вилоят ва маҳаллий йўл жамғармаларини тугатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Республика йўл жамғармасини тузиш тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига маблағларни йиғиш ва тушумларнинг тўлиқлигини назорат қилиш вазифаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ ва Давлат божхона кўмиталари зиммасига юклаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Қуйидагилар Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Республика йўл жамғармаси маблағ тушумлари ҳамда сарф-харажатларининг йиллик ва квартал балансларини шакллантириш;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда жиҳозлашнинг инвестиция лойиҳалари ва тендер ҳужжатларининг техникавий-иқтисодий асосланшини экспертизадан ўтказиш;

йўл хўжалиги объектларини куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашнинг номма-ном рўйхатларини белгиланган тартибда келишиб олиш;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларида фойдаланиш ва уларни сақлаш смета харажатларини рўйхатдан ўтказиш;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш борасидаги тадбирларни тасдиқланган харажатларга мувофиқ молиялаш, жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш.

6. Белгилансинки, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилади, уларнинг миқдори ҳар йили Давлат бюджетни тасдиқлашни билан бир вақтда белгиланади.

7. «Ўзбекистон Автомобиль йўллари куриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни («Узавтоўл»)ни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 26 январдаги ПФ-546-сон Фармони ўз кучини йўқотган ҳисоблансин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда ушбу Фармонни ижро этиш бўйича қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 19 август

Ўзбекистоннинг мустақиллини қўлга киритганлиги, жамият ҳаётининг барча жабҳаларидаги туб ўзгаришлар, айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасининг фуқаролик жамиятининг инсонпарварлик, адолат тамойилларига мувофиқ такомиллаштирилиши жинойт жазоларнинг либераллаштирилишида алоҳида аҳамият касб этмокда.

Долзарб масалага бағишланди

Ўзбекистон Республикаси янги Жиноят кодексининг қабул қилинганлиги, айтиш мумкинки, тоталитар туздан ҳақиқий демократик ҳуқуқий давлатга ўтиш жараёнида республика суд-ҳуқуқ тизимини қайта куриш борасида муҳим босқич бўлиб хизмат қилмокда.

Давлат қурилишидаги рўй берган катта ўзгаришлар, мамлакатимиз раҳбарияти ва ҳарбий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида мустақиллик йилларида Куролли Кучлардаги жиноятчиликнинг 47,7 фоиз камайишига эришилди. Армия ҳаётидан менталитетимизда ёт «дедовщина, қазарма безорилги», дезертирлик каби иллатлар барҳам топапти.

Армиянинг фаолияти фуқаролик жамияти ҳаёти билан бевосита боғлиқ. Юртимизда жиноят қонунчилигининг либе-

раллаштирилиши ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши қаратилган жиноятларга ҳам татбиқ этилмокда.

Илк мартаба Жиноят кодексининг жазо тизимидаги озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган турлари кенгайтирилиб, хизмат бўйича чеклаш жазоси амалга киритилди. Бундай жазо ҳарбий хизматчиға ҳарбий хизматни ўтаб юриб, айбини ювиш имконини беради.

Тошкентдаги Марказий офицерлар саройида «Ҳарбий одил судлов — ҳарбий хизматчилар ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилишнинг асосий қафолати» мавзусида бўлиб ўтган йиғилишда шулар ҳақида сўз борди. Уни Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси Т.Мирзаев бошқарди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйи-

ча вакили С.Рашидова, мудофаа вазирининг ўринбосари М.Аҳмедов, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўлаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси Х.Дўстмухамедов, Олий Мажлис Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари И.Собиров, Республика ҳарбий прокурори Ш.Узоқов ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Йиғилишда бугунги кунда мамлакат Куролли Кучларида қонун устуворлигини таъминлаш борасида ҳарбий судлар томонидан муайян ишлар амалга оширилаётгани, улар том маънода мустақил бўлиб, армиядаги ҳарбий хизматчилар ҳуқуқлари ва эркинликларини мунтазам равишда химоя қилиб бораётганлиги алоҳида таъкидланди.

• ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ

Пойтахт корхоналари акцияларига талаб катта

Ўтган ҳафтада «Тошкент» республика фонд биржасида 97 та битим қайд этилди. Уларнинг умумий қиймати 445,9 миллион сўмни ташкил этади. Энг йирик операция «Ўзбюфмар» акциядорлик жамияти акциялари билан амалга оширилди — улар 44,8 миллион сўмга сотилди. Бу эса бешта савдо сессияси ўртача кунлик айланмасининг ярминдир.

Қимматли қоғозлар олди-соттиси республиканинг барча минтақаларида амалга оширилди. Энг катта ҳажм Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Тошкент вилоятларига тўғри келади. Иқтисодиёт

тармоқлари орасида агросаноат комплекси пешқадамлик қилмокда.

Умуман йил бошидан буён 3305 та битим тузилди, умумий айланма 8 миллиард 331 миллион сўмни ташкил этди, қимматли қоғозларнинг эркин муомаладаги валютага сотиш бўйича 25 та шартнома тузилди: бирламчи бозорда 2 миллион 569,6 минг АҚШ долларига, иккиламчи бозорда 1 миллион 221,3 минг долларга тенг ҳажмда. Корпоратив облигациялар бўлимида умумий қиймати 2 миллиард 155,8 миллион сўмлик 39 та битим қайд этилди.

Санъаткорлар билан учрашув

Энг улуг ва энг азиз байрамимиз - истиқлол шодибоналарига барча ижодий жамоалар қатори, вилоятлар санъаткорлари ҳам қизгин ҳозирлик кўрапти. Улар тайёрлаётган юртимизнинг ҳар бир ҳудудига хос халқ оғзаки ижодининг бетакрор намуналари, куй-қўшиқлари, урф-одатлари акс этган томошавар байрам дастурига ўзгача файз бағишлаши шубҳасиз.

Байрам арафасида ушбу ижодий жамоаларнинг пойтахтимиз аҳолиси билан учрашувлари ташкил этиляпти. Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди.

Бу ерга йиғилганлар Қоракалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм вилоятлари фольклор жамоаларининг чиқишлари, замонавий қўшиқчилик жанрида ижод қилаётган санъаткорлар ижодидан баҳраманд бўлди. Жиззахлик санъаткорлар халқ оғзаки ижоди, урф-одав ва қадриятлари асосида тайёрлаб келган дастур йиғилганларда, айниқса, катта таассурот қолдирди.

(ЎЗА).

Иқтисоқий

ЧЕТГА

ЧИҚАРИЛМОҚДА

Ички бозоримизда хорижники билан ҳар томонлама: кўриниши, қадоқла-ниши, мазаси билан бемалол рақобатлаша оладиган қандолат маҳсулотлари кўпайиб, улар маҳаллий хом ашёдан замонавий технологиялар асосида тайёрланаётгани қувонарлидир.

Ана шундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришда пойтахтимиздаги «Дилек интерпрайз» хорижий корхонасининг ҳам алоҳида ўрни бор. Корхона цехларига Италия ва Туркиядан келтирилган юксак унумли ускуналар ўрнатилган бўлиб, маҳаллий ёшлар уларни маҳорат билан боқаришмоқда. Шу боисдан ҳам маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган 15 турдан зиёд ширинликлар харидорларни мамнун этмоқда.

Жамоада тадбиркорлик билан иш юритиш ўз самарасини бериб ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Буюртмалар ўз вақтида бажарилапти, хориж бозори ҳам ўрганилмоқда. Натижада маҳсулотнинг бир қисми ҳамдўстлик давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида 320 тоннадан зиёд, яъни 250 миллион сўмликка яқин қандолат маҳсулотлари тайёрланди. Улар орасида мазаси оғизда қоладиган печенье, торт ва қандолат маҳсулотлари бор.

«ФАЙЗ»НИНГ
ФАЙЗИ

«Файз» холдинг компаниясига қарашли корхоналарда ишлаб чиқарилаётган сифатли мебель маҳсулотлари нафақат мамлакатимиз, балки кўшни давлатларда ҳам харидорларни жалб этмоқда.

Бунинг боиси жамоада бозор талабларидан келиб чиқиб маҳсулот дизайни устида тинмай изланиш, маркетинг ишларининг яхши йўлга қўйилганлиги ва шу асосда маъмул турларнинг ортиб бораётганидир.

Корхонада кейинги йилларда «Камола», «Зухра» сингари ошхона, «Ором», «Ромитон» деб номланган ётоқхона мебеллари, мактаб, офис, идора, тиббиёт, савдо мебеллари 60 фоиз хорижий ва 40 фоиз маҳаллий хом ашёдан тайёрланмоқда. Шунингдек, сифатли ва рақобатбардор мебеллар Қозғоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатларига экспорт қилинмоқда.

Шуниси қувонарлики, малакали мебелсозларнинг изла-нишлари эвазига хорижий дастдоҳлар ёрдамида тайёрланаётган мебель маҳсулотлари жаҳон андозлари даражасига жавоб бериб, улар билан бемалол рақобатлаша олади, нархи эса нисбатан арзон. Жорий йилда ана шундай талаблар даражасидаги маҳсулотлардан 1 миллион 150 миң АҚШ долларлигини хорижга экспорт қилиш режаланган.

Дилноза ФИЁСОВА

12 йилдирки байрамнинг асосий шодибенаси пойтахтимиздаги энг гузал ва тароватли Мустақиллик майдонидан бошланиб, шаҳримизнинг барча гушаларига, юртимизнинг сўлим масканларига баралла таралади, қалбларга завқу шавқ солади. Ушалган армонлар, улугъ неъмат қувончлари, муваффақиятлар ўзига хос мадҳия бўлиб янграйди.

Шу боисдан ҳам айни дамларда бош майдонни қутлуг санага тайёрлаш юмушлари кизгин паллада. Саҳна мажмуасидаги бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етиб, безаш ва пардозлаш, ободонлаштириш ва гуллар экиш юмушлари давом этмоқда.

Ҳақиқатан ҳам бугун майдондан ўтган, тараддудга нигоҳ ташлаган ҳар бир кишининг кўзлари қувнади, дилда юртимиз, пойтахтимиз чиройидан фахрланиш туйғуси жўш уради, Кечки пайта эса мажмуадаги ранго ранг чироқларнинг порлаши қалбимизга равшанлик киритади ва беихтиёр мустақиллик олий неъмат, ҳалқимиз учун улкан бахт эканлигини яна бир бор ҳис этасиз.

Шуни таъкидлаш ўринлики, майдондаги тайёргарлик ишларида пойтахтимиздаги «12-трест» ҳиссасдорлик жамиятининг 2-механизациялашган кўма колоннаси бунёдкорлари ҳар йилгидек бош-қош бўлишган бўлса, «Тошшаҳарнур» корхонасининг нурчилари, «Техно-лог» акционерлик жамияти ишчи-хизматчилари ҳам ўз вазифаларини сидқидилдан адо этишди. Майдоннинг қишин-ёзин ораста ва обод, кўркам ва файзли бўлишига эришишга интилаётган Марказий майдонларни ободонлаштириш бошқармаси ходимлари меҳнатла-

ри эса алоҳида таҳсинга лойиқ. Негаки, майдонни янада кўркамлаштирган яшил майсалар, чиройи таъриф билмас турфа гуллар уларнинг меҳнати махсули, саяё-ҳаракатлари самарасидир. — Бошқармаимизда 800 нафар-

ганмиз. Майдондаги дов-дарактлар, яшил майсазорлар тартибга келтирилди, мрамр плиталар ҳар кунчи ювиб тозаланмоқда. Шунингдек, ушбу улкан шодибена шаҳримизнинг барча майдон ва хив-бонларида тантанавор тус оли-

кайфияти улашишни ният қилган.

Майдондаги байрам тайёргарлиги нафақат юртошларимиз, балки хорижлик меҳмонлар дилида ҳам ажиб ийликлик уйғотганлигини туркиялик меҳмон Омар Думан сўзларида ҳам билса бўлади.

— Меҳмонхонадан кечки пайт чиқиб Мустақиллик майдонини айланар эканман, — дейди у дилдан жўшиб, — ўзбекистонлик биродарларимиз Истиклол байрамини ўзгача нишонлашга ҳозирлик кўраётганининг гувоҳи бўлдим. Майдон беҳад гузал тус олмақда. Зеро бу ерда ҳамюртларингизнинг гузал орзулари муҳассам бўлади. Бу йил Мустақиллик байраминингизни кўриш, биргаликда нишонлаш менга насиб этаётганидан беҳад мамнунман.

Байрам нишонланишига ҳам санокли кунлар қолди. Лекин бўлиб ўтадиган тантана завқи қалбларда сақланиб қолиши учун барча имкониятлар ишга солинган. Буни эса майдоннинг айни дамдаги чиройи, дилларга сурур бағишланган тароватдан сезиш мумкин. Қадамлари қутлугъ мустақиллик дадил одимламоқда. Унинг одимлари эса залворли, эсда қоларли. Буларнинг барчаси шодибенанинг саҳналаштирилган томошаларида ёрқин акс этиши, шубҳасиз. Демак, майдондаги завқли томошаларда нафақат санъат аҳлининг, томошабину санъаткорга мана шундай шарт-шароит ҳозирлаган бунёдкор, нурчи, ободонлаштириш ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бўлади.

Дилноза ФИЁСОВА
СУРАТДА: майдоннинг бугунги жамоли.

• ТАРАДДУД

Байрам
Шуқуҳи

Юртимизда байрамолди шуқуҳи ҳукмрон. Ҳамма жойда энг азиз, энг улугъ шодибена — Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига тараддуд кизгин тус олган. Барча соҳа ходимлари Истиклол нашидасию дилларидаги эзгу ният билан меҳнат қилишмоқда, байрамга туҳфа ҳозирлашмоқда.

дан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган бўлса, — дейди раҳбар Абдували Расулов, — уларнинг 150 нафари айни пайтада Бош майдондаги долзарб юмушлар билан банд. Саҳна мажмуаси атрофига ўзига хос шаклларни акс эттирган ҳолда 1000 тупдан зиёд ранг-баранг гул кўчатлари ўтказилди.

Хозирда яна ана шундай гуллардан 1,5 мингтагани экиб тургаллашни, шодибена кунларида эса қийғос очилишни режа қил-

шини ҳисобга олиб, ўзимизга қарашли 20 та майдон ва хив-бонларда ҳам ҳозирликни кизгитганмиз. «Туркистон» саройи, Амир Темур хивбони, Ўзбекистон Миллий боғи, «Шаҳидлар хотираси» майдони, Сайилгоҳ, Боғи Эрам маданият ва истироҳат боғи, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Сирасини айтганда жамоамиз аҳли шодибенгага тайёргарликни қизи-тиб, ҳалқимизга ажойиб байрам

• ТАНЛОВЛАР

Кўшиқларда она юрт мадҳи

Кўшиқ инсонлар қалбига илҳом берувчи ҳамда ором бахш этувчи сеҳрли санъат туридир. Юракдан ёниб, жўшиб куйлаган ҳар бир санъат шайдосининг кўшиғи албатта қалбларни ром этмай қўймайди. Бугунги кунда ўзининг ёқимли ва дилтортар, сеҳрли хуш овози билан санъатимиз гулшанида гулгунча мисол очилиб келаятган санъатсевар ёшларимиз сафи тобора кўпайиб бормоқда.

Шундай иқтидорли ёшларни кашф этиш мақсадида Республикаимизда мунтазам ўтказиб келинаётган кўрик-танловлар, самарали натижалар бормоқда. Кунчи кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» танлови асосида ўтказилаётган «Ўзбекистон кўшиқ байрамини» республика бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Ўзтелевизиокомпания», Ўзбекистон Бастакорлар ва Ёзувчилар уюшмалари, Республика «Маданият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўшиқ байрамда Тошкент шаҳри ва республикамизнинг барча вилоятларидан энггина санъат оstonасига қадам кўётган ёш истеъдодлар, хуш овоз соҳиблари катнашдилар. Ёш ижрочиларнинг ҳар бири чикишларини Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги уринбосари, Ўзбекистон халқ артисти, ҳайъат раиси Фаррух Зокиров бошчилигидаги нуфузли ҳакамлар ҳайъати аъзолари муносиб баҳолаб борди. Биринчи бўлиб саҳнада Ўзбекистон Куролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамблининг етакчи хонандаси Камолитдин Раҳматов «Жон Ватан» номли кўшиғи билан танловни бошлаб берди. Шунингдек, Сирдарё вилоятидан Баҳодир Ҳужақулов «Иймон ўзини» кўшиғи, Наманган вилоятидан Шавкат Солиев «Ватан мадҳи», Тошкент шаҳридан Шаҳноза Одилова «Юртим келажиги» номли кўшиқларини юракдан жўшиб куйладилар. Кўшиқ байрамини давом эттириш ҳамда қатнашувчилар асосан она юрт, Мустақил Ўзбекистонимизни мадҳ этувчи кўшиқларини қалблари фахр ва ифтихор туйғуларига тўлиб ижро этдилар.

Элим бугун эрта уйғон,
Тўй бугундир, тўй бугун.
Шодлан юрак, ушалди чин
Асрий армон ўй бугун.

Хумо қушинг осмонингда
Айланади бахт бўлиб,
Истиклолнинг шарафига
Янграг кўшиқ-қуй бугун...

Ҳақиқатан ёш истеъдодларнинг ҳар бири ўз овозига, қобилиятига хос булган кўшиқларни ижро этиб санъат шинавандалари томонидан яхши қарши олинди. Бу ҳақда ҳайъат аъзоларининг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдик.

● Ҳабибулла РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси
раисининг уринбосари,
ҳайъат раиси уринбосари:

— Шаҳримизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ўзбекистон кўшиқ байрами» бугунги савқимизчи маротаба ташкил этилди. Кўшиқ байрамининг бу йилги якуний босқичи ҳар йилгидан фарқ қилади. Бу йилги тайёргарлик ҳам яхши бўлди. Ёш овозлар, жамоа бўлиб катнашувчилар ҳам кўп. Кўшиқларнинг шеъри ҳам мазмунли жиҳатидан анча пишдиқ, ўзига хос танланган. Мана ҳар бир вилоятнинг чикишларини томоша қилдик. Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм ва Тошкент шаҳридан ёшларнинг чикишлари, уларнинг кўшиқларида ҳам, кийимлари ва рақсларида ҳам миллийлик намоян бўлиб турибди. Менимча иштирокчиларнинг ижроларини баҳолаш осон кечмайди албатта. Чунки уларнинг истеъдодларини бир-биридан кам деб бўлмайди. Биз бундан албатта хурсандимиз. Кўшиқ байрамини ўтказишдан мақсад ҳам шу. Ёш, истеъдодли хуш овоз соҳибларини аниқлаш, янги



овозларни кашф этиш. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, бугунги ижрочиларнинг аксарияти кўшиқларни фонограммасиз, жонли ижро этдилар.

● Шаҳноза ОДИЛОВА,
Ҳамза номидagi мусика
билим урчи талабаси:

— Бугун мен «Ўзбекистон кўшиқ байрами»да қатнашганганимдан ниҳоятда бахтиёрман ва очиги ҳажонданман. Мен танловда Нормурод Нарзуллаев шеъри, Абдувахоб Одиллов мусиқаси билан айтиладиган «Юртим келажиги» номли кўшиғим билан қатнашдим. Санъат кўшиқчи бўлар менинг ҳайтим. Санъатга бўлган ҳавас ёшлигимдан севимли санъаторларимиз кўшиқларини жон дилим билан тинглаб бошладим. Бугунги кунда устозларим — отам Абдувахоб Одиллов ҳамда ўқийдиган устозим Темур ака Махмуровдан кўшиқчилик санъатининг сир-асрорларини ўрганиб боряман. Ниятим келгусида ҳалқимиз қалбига етиб борадиган мазмунли, гузал кўшиқлар ижро этиш.

Албатта танлов сўнггида ёш санъат ихлосмандларининг истеъдодлари муносиб баҳоланди. Биринчи ўринга Қорақалпоғистон Давлат университетининг бадиий жамоаси «Ўзбекистон — тананда жоним» (О.Султонов сўзи, К.Хилолов мусиқаси) кўшиғига ҳамда Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги тизимидан Насиба Мирзохидова «Ўзбекистон» кўшиғи (Н.Боборов сўзи, М.Наимов мусиқаси) учун сазовор бўлдилар. Куролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамблининг етакчи хонандаси Камолитдин Раҳматов «Жон Ватан» кўшиғи (И.Жиянов сўзи, Ш.Дадажонов мусиқаси) учун ва Наргиза Худойназарованинг «Ўзбекистоним» кўшиғи (С.Тўйчиева сўзи, О.Худойназаров мусиқаси), Ситора Орипованин «Эй, ўзларни хуморим» (халқ сўзи, Р.Муминов мусиқаси) кўшиқлари иккинчи ўринга муносиб деб топилди. Шунингдек унча учинчи ўринга ва учта раббатлангирувчи ўринга ҳам муносиб номзодлар аниқланди. Кунчи кеча Халқлар дўстлиги саройида «Ўзбекистон кўшиқ байрами» танлови фолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Фолиблар ташкилотчилар томонидан пул мукофотлари ва дипломлар билан тақдирландилар.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон кўшиқ байрами»дан лавҳалар.
Ҳажим Солихов олган суратлар.





Коллежнинг қутлуғ остонаси

Энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 12 йиллик шодиёналарига барча соҳа ходимлари қаторида толмас қўлли бунёдкорларнинг ҳам ўзига хос тўхталари бўлади. Улар «Тўйга тўёна билан» деган нақлга ҳамisha амал қилиб гўзал ва кўркам иншоотларни фойдаланишга топширишади. Ана шундай салобатли бинолардан бири қурувчиларнинг 2 йиллик самарали меҳнати, ғайрат-шижоати намойиши бўлган Тошкент банк коллежидир.


Собир Рахимов туманидаги «Майкўрғон» мазевида алоҳида фойза, ота-оналар, коллежда ўшларга илм-хунар сирларини ургатган устоз-мураббийлар ва айниқса талабаларга янги ўқув йилида катта қувонч бағишлайдиган ушбу маскан замонавийлиги, ёшларнинг танлаган соҳалари бўйича яхши мутахассислар бўлиб етишишлари учун барча қулайликларга эгаллиги билан ахамиятлидир.

Коллеж биносига қадам қўяр экансиз, аввало унинг улкан салобати, ташқи гўзаллиги эътиборингизни жалб этади. Эндигина эскирган ниҳоллар, яшил майса ва гул кўчатлари ҳадемай бир чиройни ўчандон оширишини дилдан ҳис этасиз. 1200 ўринли ушбу билим маскани янги ўқув йилидан ўз талабаларига хизмат кўрсата бошлайди. Унинг кенг ва ёруғ, шинам ва тоза, шунингдек замонавий тарзда жиҳозланган ўқув хоналарида машғулотлар бошлаб юборилди.

— Албатта, бу жамоамиз ўқитувчи ва талабалари учун Истиқлол байрами шодиёнаси арафасида жуда таъби бўлди, — дейди коллеж директорининг

ўринбосари Чори Примов. — Пухта билим олиш учун имкониятлар яратувчи физика, химия, компьютер хоналари барча талабаларга жавоб беришини эътироф этган ҳолда, алоҳида қурилган банк бинолари ҳам хизмат кўрсатади, ҳам ўқув амалиётини ўташда талабаларимизга қўл келади. Негаки, бинонинг бир қисмида ҳаракатдаги банк фаолият кўрсатса, бу ерда амалга оширилаётган операцияларнинг иккинчи қисмида ўқувчиларимиз олган билимларини амалиётда тақдорлаб, ўз малакаларини ошириш имкониятига эга бўлади. Бу банк соҳаси учун керакли, малакали мутахассислар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Бизга мана шундай шароитларни яратиб бераётган ҳукуматимиздан беҳад миннатдоримиз. Бунёдкорларнинг меҳнатини эса алоҳида таъкидласа арийдим.

Коллежда 46 та ўқув хонасидан ташқари педагог ва мураббийлар учун алоҳида хоналар, 400 ўринли фаоллар зали, киши спорт майдони, ошхона, шу билан биргаликда ёғи футбол, волейбол ва теннис ўйингоҳлари талабалар хизматида бўлади.



Коллежнинг фойдаланишга тахтлиги ҳақида тўхталганда, шубҳасиз, мана шундай бинони қуришда жонбозлик кўрсатган бунёдкорларни айтиб ўтмоқ жоиздир. Шаҳримиздаги «159-трест» хиссадорлик жамиятининг бунёдкорлари боғча, мактаб, хозирда эса лицей ва коллежлар қурилишида катта тажриба тўплаган. Шу боисдан ҳам жамонинг 70-қурилиш бошқармаси қурувчилари бош пудратчи саналган банк коллежи мuddатида қуриб битказилди. Мингга яқин турли касб ва хунар эгалари маҳорати маҳсули бўлган ўқув даргоҳининг қад ростлашида 9, 21, 53-қурилиш бошқармаларининг тикловчи, дурдор, пайвандчи, сувоқчи, бўёқчилари, «Тошэлектромонтаж-трести» электрчилари, «Шамол» шўба корхонаси ишчилари, «Сантехиниш» трести сантехник ходимлари ва бошқалар фаол иштирок этишди. Маҳаллий корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари ниҳоятда қўл келди.

— Бунёдкорларимиз пойтахтимизнинг Хуршид кўчасидаги 820 ўринли лицей биносини, ҳозирда сўз юритилаётган Тошкент банк коллежини жорий йилда ёруғ юз билан фойдаланишга топширишмоқда, — дейди «159-трест» хиссадорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари Сайфутдин Сирожитдинов. — Бу уларнинг бунёдкорлик ишлари учун кенг



қўламли имкониятлар яратилишида муҳим омили бўлган Истиқлол тантаналарига, буюк неъмат Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қўшаётган катта хиссасидир. Шунингдек, капитал қурилиш соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда ҳам имкониятлардан оқилона фойдаланишга интилади. Айни кунларда жамоамиз ахли мустақиллик иншоотларидан санамли Сенат биноси, Тошкент автомобиль йўллари институти қошидаги академик лицей қурилиш майдонларида ғайрат кўрсатиб ишлашмоқда. Сифат ва самарадорлик, яъни тез ва соз қуриш, эл-юрт фаровонлигини таъминлашга хисса қўшиш асосий мақсадларимиздандир.

Ўқув йили бошланишига санокли кунлар қолди. Шу боисдан ҳам янги, муҳташам коллеж хоналари жиҳозланиб, ён-атрофидаги ободонлаштириш ишларига эътибор қўйилди. Хулоса шунки, ўз вазифини пухта бажарган бунёдкорлар бошқа қурилиш майдонидан иш бошладилар, улардан мамнун талаба ёшлар эса қўлларидан фахр туйқули билан ўқишни бошлашади. Янги коллежнинг қутлуғ остонасидан келгусида эртанимиз яратувчилари етишиб чиқishi арийдим.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: унктача бошқаруш Файзулла Шукров; 21-қурилиш бошқармаси ишбосхисси Каримжон Куддусов бажаришган ишлардан мамнун; коллеж ва банк биноларининг умумий кўриниши. **Ҳакимжон Солхив** олган суратлар.

Ана шундай янги уйлар пойтахтимизга ўзгача чирой бўлиш билан бирга янги мазе ва даҳаларга кўрк, замонавий таъмирланган кўчаларимизга фойза бағишламоқда. Уларни бунёд этишда эса пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган қурилиш ташкилотлари ва фирмалари қурувчиларининг, ана шу бунёдкорларнинг тез ва соз ишлашига имкон яратаётган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ўзига хос улуши бор.

Биргина Шевченко кўчасини оладиган бўлсак, бу ерда бирваракайига 8 та турар жой биноси қад ростламоқда. «Габус» қурилиш инвестицион фирмаси буюртмаси асосида қурилаётган кўп қаватли ушбу турар жой бинолари лойиҳасини фирма қошидаги «Архплан» лойиҳа бўлими мутахассислари тайёрлашган бўлиб, гиштли уйлар ҳам ташқи чиройи, ҳам хонадон аҳлига яратилган барча қулайликларга эгаллиги билан ажралиб туради.

«Габус-қурилиш-4» шўба корхонаси бунёдкорлари меҳнати самараси бўлган 2 та 5 қаватли уйда охириг ташқи пардоз ишлари олиб боришмоқда. 40 та хонадонга мўлжалланган ушбу уйларнинг томи кўркам черепицалар билан ёпилган бўлиб, биринчи қаватида эса савдо дўконлари жойлашади. Ана шу уйларнинг орқа тарафида эса яна 4-6 қаватли уйлар қурилиши жадал бошлаб юборилди. Қурувчилар бор маҳоратларини ишга солиб, ёзининг иссиқ кунларидан оқилона фойдаланишмоқда, ўнлаб оила аъзоларини хушуд этиш мақсадида меҳнат қилишмоқда.

Шаҳрисабз-Шевченко кўчаларида қурилиш-тиклаш ишлари олиб борилаётган 7 қаватли 2 та уй эса 42 та хонадон аъзоларини ўз бағрига олади. Уйларнинг ҳаммаси 4 хонали бўлиб, хонадонларнинг умумий майдони 220 квадрат метрни ташкил этади. Меҳмонхона 60 квадрат метрни эгаллаган бўлиб, катта айвон, ош-

Янги уйлар — кўркам мавзелар

Ҳаётимиз фаровонлашиб, турмушимиз гўзаллашиб бораётганини шахримизда бирин-кетин қад ростлаётган, шарқона ва замонавий меъморчилик андозалари уйғунлашган, ташқи кўриниши кўркам, ички қулайликлари яшовчиларга маъқул турар жой бинолари мисолида яққол кўрамиз.



БУНЁДКОР

Академик лицейлар билимга чанқок ўғил-қизларимизнинг иқтидорини намойиш этишда, уларга илм сирларини янада чуқурроқ ўргатишда, олий ўқув юртлари остонасига дадил кириб боришларида муҳим роль ўйнайдиган масканлардан саналиб, мустақиллик шарофати билан уларнинг нуфузи тобора ортиб бормоқда.

Иқтидор ва илм маскани

Шу боисдан ҳам юртимизда ўнлаб академик лицейлар қурилиб, уларни замон талаблари асосида жиҳозлашга катта эътибор қаратилмоқда. Негаки, ушбу билим масканларида юртимиз эртасини яратувчи, келажагининг янада порлоқ бўлишига муҳим хисса қўшувчи фарзандларимиз пухта билим олишади.

Шаҳримизда кейинги йилларда қўллаб қўллаб қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Ана шундай билим масканларидан бири — Тошкент автомобиль йўллари институти қошидаги академик лицейнинг қурилиши эса ҳозирги кунда кизгин давом этмоқда. Мовароуннахр кўчасида қад ростлаётган 825 ўринли лицей биносини шаҳримиздаги «159-трест» акциядорлик жамиятининг 8-қурилиш бошқармаси қурувчилари бош пудратчи сифатида бунёд этишмоқда. Ушбу қурилиш бошқармаси хусусида тўхталганда бўлсак, унинг бунёдкорлари яхши тажрибага эга бўлиб кейинги йилларда Чилонзор туманидаги Метрополитен коллежи, Хуршид кўчасидаги академик лицей, Мухбир, Генерал Узоқов кўчаларидаги замонавий турар жой бинолари, «Чорсу» гушт маҳсулотлари расхаси ва бошқа қурилиш майдонларида шижоат кўрсатиб, уларни муваффақиятли фойдаланишга топширишган.

— Лицей қурилишидаги асосий ишларни жорий йилдан бошладик, — дейди ишбосхи Ислам Норбеков. — Ҳозирда эса пойдевор мустаҳкамлигини таъминлаб, қурилиш-тиклаш ишларини олиб бораёلمиз. Бино 7 та корпусдан ташкил тоғиб, ўқув корпуслари 3 қаватдан иборат бўлади. «Е» блоки эса 7 қаватли қилиб тикланмоқда. Айниқса, фаоллар зали, ёлпик спорт майдони, қулай ошхона ўзига хос тарзда бунёд этилади ва пардозланади. Айни дамда қурилиш майдонида меҳнат қилаётган



Қад ростлаётган биноларимизнинг ҳам ички, ҳам ташқи чиройини таъминлашда керакли қурилиш ашёларининг ўрни алоҳидадир. Айниқса, у сифатли, арзон, мустаҳкам бўлса нур устига аъло нур бўлади.

ТАДБИРКОРЛИК

Буюртмачи талабига қараб

Ана шундай қурилиш ашёларидан бири иншоотлар тоmlарини қоплашда кейинги пайтада кенг қўлланилаётган, бинолар кўркини оцаётган черепица маҳсулотидир. Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «SV CO LD» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ана шундай ички бозорда талаб ортиб бораётган черепицалар тайёрлашни 1998 йилда йўлга қўйди. Энг муҳими эса улар хорижий дастгоҳлардан унумли фойдаланган ҳолда маҳаллий хом ашё — қум ва цементдан рақобатбардўш маҳсулот тайёрлашмоқда.

— Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг ўз харидорлари бор, — дейди бош муҳандис Рустам Набиев. — Шу боис ҳам йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда. Ҳозирда 25x50 сантиметр ҳажмида 2 хил рангда черепицалар тайёрлашмоқда. Шунингдек, жамоа ахли келгусида бунёдкорлик ишларида ўз хиссасини қўшиш, маҳсулот экспортини йўлга қўйиш мақсадини таъминлашга эътибор қўйди. Туркиядан замонавий ускуналар олиб келишни режалаш туришибди. Натияжа янги цех ташкил этилиб, ёшлар иш билан таъминланади.

Ички бозорда ўрнини топаётган тадбиркорлар қурилиш ишлари сифатига, биноларнинг ташқи чиройига ҳам муносиб хисса қўшишмоқда. **Дилфуза ФАНИЕВА**

Шарофат БАХРОМОВА
СУРАТЛАРДА: ишбосхи Тоҳир Исамухамедов ва бригадир Ҳикмат Усмонов; қурилиш майдонида.

Қад ростлаётган биноларимизнинг ҳам ички, ҳам ташқи чиройини таъминлашда керакли қурилиш ашёларининг ўрни алоҳидадир. Айниқса, у сифатли, арзон, мустаҳкам бўлса нур устига аъло нур бўлади.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Ҳиссамиз бўлади

— Жамоамиз бунёдкорлари ҳам барчамиз учун қадрли бўлган энг азиз, энг улуг байрамни муносиб қутиб олишга ҳаракат қилишмоқда. Пойтахтимиздаги қурилиш майдонларида ўзига хос куч-ғайрат кўрсатаётган қурувчиларимиз тез ва соз қуришга, вақтдан, қурилиш материалларидан унумли фойдаланишга эришмоқда.

Мен раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари ҳам ҳозирда қурилиш кизгин давом этаётган Сенат биносининг қад ростлашида, шаҳримизга алоҳида кўркамлик бағишлашда муносиб хисса қўшиб, топширилган ҳар бир ишни сийқидилдан бажаришга ҳаракат қилишмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган ҳар бир бунёдкорнинг дилида ҳам байрам шуқуҳи баланд. Шу боисдан ҳам ишларимиз унумли бўлмоқда. Мақсадимиз эса байрамга меҳнатимиз билан соғва хозирлаш, қурган гўзал ва салобатли иншоотларимиз билан юртимизни жаҳонга кўз-қўз қилишдир.

Катта аҳамиятга эга

— Юртимизда қурилиш соҳасида иқтисодий ислохотларни амалга оширишга қаратилган эътибор биз бунёдкорларни ўз ишимизга янада маъсулият билан ёндошишга ундайди. Жамаа соҳада бўлгани каби қурилишда ҳам бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб меҳнат қилиш, унинг буғунги шароитларига мослашиш давр талабидир.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги» Фармони муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилишига аминимиз.

хона ва очик айвонлар ўзига хос тарзда лойиҳаланган. Уйларни «Габус-қурилиш-5» шўба корхонаси бунёдкорлари қуришяпти.

— Корхонамизнинг ташкил этилганига эндигина 1 йилдан ошди, — дейди директор Абсалим Бошманов. — Мана шу тиклаётган уйларимиз биринчи меҳнатимиз маҳсули бўлади. Шу боисдан ҳам 60 нафардан зиёд қурувчиларимиз қурилиш-монтаж ишларини бажаришмоқда. Айниқса, пайвандчи ва гишт терувчилар меҳнатини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Ҳозирда қурилаётган ҳамма уйлар қатори 1-қаватда савдо шохобчалари, шунингдек ер остида автомобиллари сақлаш жойи жойлашади. Уларни бунёд этиш эса бунёдкорларимиздан ғайрат-шижоат, ҳамжihatлик талаб этади. Энг муҳими эса қурувчиларимиз уйларни талаблар асосида қуришмоқда. Уйларни шу йил охиригача фойдаланишга топширишни режала-

ганмиз. Бунинг учун имкониятларимизни етарли даражада ишга соляймиз.

Шунингдек, ушбу жамоа қурувчиларидан бир гуруҳи Шевченко кўчасидаги яна бир қурилиш майдони — 2000 квадрат метрни эгаллаган 4 қаватли автомобиль савдо марказини қуришмоқда. Ушбу марказ ҳам ўзига хос кўркамлиги, соғувчи ва харидорларга қулайликлар яратилиши билан ҳамшаҳарларимизни мамнун этиши, шубҳасиз.

Сирасини айтганда, ҳадемай қуриб битказиладиган мана шундай файзли уйларда ҳамшаҳарларимиз уй тўйларини ўтказишди, бахтиёр оилалар сафи эса ортади.

Дилноза ҒИЁСОВА
СУРАТЛАРДА: «Габус-қурилиш-5» шўба корхонаси илгорлари — бригада бошлиғи Владимир Цой ва ишбосхи Рамиль Юсупов; 6 ва 7-а уйлар тикланиши жадал бормоқда.

Шурфа олам

100 КИЛОМЕТРГА 3 ЛИТР

Кутилмаганда дунёдаги энг йирик 3 та «Мерседес», БМВ ва «Фольксваген» автомобиль корхоналарининг мутасаддилар, фирманинг кўнимгоҳлари жойлашган немис ерларининг эгалари билан ҳамкорликда учрашди. Учрашувда ўзаро келишувдан сўнг, уч раҳбар ўзларининг концернларида «3 литрли машиналарининг ишлаб чиқариш дастурларини эълон қилишди. «Даймлер—Бенг» 1997 йил кунда 75 от кучига эга моторли тру-бодизелли 100 километрга 3 литр бензин сарф қиладиган «Мини-мерседес» намунасини яратишни, шу муддатга «Фольксваген Е-420» модели билан 60 от кучли машина чиқаришни маълум қилди. Учрашувга такиф этилган йирик немис ерида жойлашган «Опель» ва «Форд» фирмалари ҳам тежамкор машиналар яратганликларини ўзаро учрашув ўтказишдан ҳам қаноат қилмай эълон қилиб юришди.

ОСОН ТУТСАНГ...

Лондоннинг Голдсмит коллежидagi янгилик тадқиқотчи-олимларнинг таъкидлашларича, сочи тўкилган эркаклар кўп сиқилиб, сочлари ҳақида ўйлаб азият чекар эканлар. Ҳартача 36 яшар бўлган 180 нафар эркакларда ўтказилган тадқиқотларга кўра, сочи қанча кам бўлган одам, шунча ўзига кам ишониши аниқланган.

Тадқиқот давомида эркаклар 3 гуруҳга бўлинди: сочи тўкилган, сочи тўкилаётган, бу «дарди-бедаво» билан безовталанмаганлар. Улардан тадқиқот мавзуси сир тутилиб, улар ўзларига, имкониётларига қанчалик ишониш-ишонмасликлари, ҳаётга қизиқишлари текширилди.

Олинган маълумотларга қараганда, ҳаммадан ҳам сочи тўкилганларнинг ахлоли танг экан. Ҳаттоки 2 тола сочи тўкилган ёш эркаклар ўзларини шу сабаб, жонларига қасд қилмоқчи бўлганини, яна бир жабрдийда эса умр бўйи оспаз бўлиб ишлашини маълум қилган. Мақсади: ошпазлик қаллоғи билан бошини беркичиб юриш бўлган.

ДУНЁ БЎЙЛАБ САФАРГА

Ўттиз ёшли хинд муҳандиси Вай-кас Сингх мана 8 йилдири, бутун Ер курраси бўйлаб кезиб юрибди. У 1987 йили узок сафарга чиққан эди. Вай-каснинг фикрича, бу сафар бутун дунё халқлари ўртасидаги ўзаро дўстликни мустаҳкамлаши керак. Шу мақсадда сайёх-муҳандис дунёнинг барча давлатларида бўлишни ниёт қилган. 8 йил мобайнида 52000 километр масофа орта қолди. Хитой, Непал, Испания, Польша ва Скандинавия давлатларини кезиш чоғида 50 жуфт пойабзал титилиб кетди. Шунингдек у Россияни ҳам бошдан оёқ босиб ўтди. Ҳозир сайёх Австрияда юрибди. Сингх қолган мамлакатларни қуриш учун яна 17 йил керак бўлади, деб тахмин қилмоқда. Сайёхнинг хомийлари йўқ. У йўл-йўлакай яхши одамлар берадиган кичик хайр-эхсон эвазига яшайди. Барча сафар лашуларини эса ўзи ясаган уч гилдиракли велосипедга ортиб юради. Ҳаётининг ҳар қандай об-ҳаво шароитида ана шу соябонли аравачада ухлайди.

Австрияда бу фэйриоддий сайёх келганлигини тасдиқдан пайқашди. Йўл полицияси диққатини пиёда ва велосипедчилар юриши таъқиқланган йўлдан бамайлихотир келаётган кимса тортди. Аввалга уни дайди ёки қочок деб ўйлашди. Кейин эса гап нимаданлигини билишгач, унга йўл қоидасини тушунтиргач, сайёхчи ҳақида журналистлар хабар бердилар.



Китоб — билим булоғи, китоб — ақл қайроғи деб бежиз айтилмаган.

Бадий адабиётда қаҳрамонлар характери, ҳаёти ва бадий қиёфасини тасвирлаш, уларнинг ўй-кечинмалари, орзу-интилишлари ва бадий образ сифатидаги моҳиятини очиб беришда ҳам халқ тилида мужассамлашган бадий-услубий имкониётларнинг аҳамияти беқийосдир. Ўзбек адабиётида ҳар бир ижодкорнинг халқ тилидан фойдаланишдаги ўзига хос йўли бор. Ҳар бир адиб ўз бадий ниятини амалга оширишда миллий тилимизни лугат қирибнинг хазинаси ҳамда халқ қарашлари тизимига мурожаат қилар экан, ўзига хос поэтик маҳорат ва услуб ранг-баранглигини намойиш этади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг бу борадаги қарашлари бизнинг юқорида баён қилган мулоҳазаларимиз билан муштаракдир. Адиб Саодат Умрзоқова билан бўлган сўҳбатда шундай дейди: «Ижод аҳли, айниқса, қаламкаш учун сўз шунчаки фикрни ифодалаш воситаси эмас. У биринчи галда ижодкорнинг энг муҳим қуролидир. Дейлик, ўртача романда таҳминан мингта сўз ишлатилади. Табиийки, бир сўз роман давомида бир неча марта такрорланиши мумкин. Агар романи катта бир бино деб тасаввур қилсак, сўз ўша иморатнинг гиштидир. Чинакам ёзувчи ҳар бир «гишт»ни шу қадар тартиб билан, зичлаб «териб чиқадик», биро «гишт»ни кўчириб олиб, ўрнини алмаштириш ёки бошқа «гишт» қўшишга ҳожат қолмайди. Бу қаламкаш истеъдодини белгилайдиган жуда мураккаб жараёндр.

Ёзувчининг ушбу сўзларидан ҳам унинг миллий тилга бўлган муносабати, сўздан фойдаланиш масъулияти аққол кўриниб турибди. Ёзувчининг халқ тилидан ўз асарларида юксак поэтик маҳорат билан фойдаланиши, унинг сўз бойлигини ўзига хос услубда, меъёри бузмаган ҳолда ижодий ўзлаштириши, сўз қўллаш масъулиятининг ижодкор бадий оламидаги ўрнини теран ҳис этиши бадий асарининг муваффақиятли чиқишини таъминлайдиган асосий эстетик омиллардан биридир.

Ўткир Ҳошимов ўз асарларида бадий тасвирнинг юксак намуналарини яратишда халқ тилини ўрганган ва ўзлаштирган. Унинг ижодида лексик-семантик бирликлар, куйма иборалар ва шевага хос тил дурдоналарининг ўрни каттадир. Ёзувчи ижодида фразеологик бирикмалар, ўткир маъноли, фош қилувчи иборалар, қочирим, киноя, кесатик ва муболағага бой бирикмалар ўта босиқлик ва мулоҳазакорлик билан ишлатилади. «Бадий адабиёт адабий тили лексик жиҳатдан бойитувчи асосий манбадир. Шу маънода Ш.Ҳолмирозев ўз хикоялари орқали адабий тилимиз хазинасига Сурхон шевасида шилатилувчи сўзларни олиб кирган», — деб таъкидлайди Ш.Дониёрова, Бу фикрни биз

Ўткир Ҳошимовга нисбатан ҳам айтишимиз мумкин. Ёзувчи адабий тилимизни халқ тилининг, жумладан, Тошкент шевасининг сўз ва иборалари билан бойитишга ҳаракат қилади.

Масалан, бир ўринда ака сўзи «ока» тарзида ишлатилади. «Ҳазир бўл» (эхтиёт бўл), «келадилар» (келадилар), «шўтгайди» (шу ерда эди), «келдиз» (келдингиз), «лачапўшрок» (лапашангрок) каби Тошкент шевасига хос сўзлар билан бирга Самарқанд ва Бухорода кўпроқ қўлланиладиган «бачам» (болам), «язна» (кўв) каби сўзлар ҳам асар тўлақонлигини таъминлайди.

Халқ тилига хос барқарор сўз бирикмалари ва фразеологизмлар ҳам Ў.Ҳошимов асарларида унумли ишлатилгандир:

Мушоҳада СЎЗДАН Фойдаланиш МАҲОРАТИ

Маълумки, ҳар бир халқнинг ўз миллий маданияти ва миллий тил бойликлари мавжуд. Унинг ривожланиши ва шаклланишида адабиёт гоят муҳим роль ўйнаб келган.

«Тўхмат балосидан асрасин! — деди ошона остонасида ўтирган ойм ўкинби»; «Ниятингиз яхши-ку, ҳолва деган билан оғиз чучимаиди-да ўртоқ хўжайин!»; «Кеча келди югуриб, бугун олар суғуриб...»; «Туппа-тузук мол эканмизу, билмай юрганмишни қара!»

Бу парчаларда халқ орасида кенг қўлланилиб келадиган иборалар воқелик ва қаҳрамон характери очишга қаратилган. Шунингдек, «Олма-ўрик бўлармидиқ энди», «жон борми ўзи» каби кесатик, пичинг сўзлари ҳам ўрнида ишлатилган.

Ёзувчи қаҳрамонлар нутқида кесатик ва ишораларни берар экан, бу асар воқеаларининг тўлақонлигини таъминлайди. «Дунёнинг ишлари»да шундай парча мавжуд.

«Қуруғи керакми?» — деди овози хириллаб. (Қуруғи — бу пулга, порога ишора) Далавой бутунлай жиддий тортиди.

— Менгамас, ўртоқ Тошевга, — деди сарғиш қошини чимириб, — мен сизга жабр бўлмасин деганман ока, жўжабирдек жонсиз!»

Бу ерда тўхмат билан қамалиб, Сибир қилиниб кетишга ишора қилияпти. «Жўжабирдек жонсиз» дея киноя қилади. Болаларнинг қўлги ва уларнинг ўшлигига қарата айтылапти. Уларнинг ҳимоясиз қолишига ишора қилинапти.

БОЛАЛАР ШИФОХОНАСИ

«Соғлом авлод учун» халқро ҳайрия жамғармасининг «Оила» соғломлаштириш марказида кундузги болалар стационари очилди. Унда кам таъминланган оилаларнинг уч ёшдан ўн икки ёшгача бўлган фарзандлари тиббий текширувдан ўтказилмоқда.

— Биз болаларини дам олиш оромгоҳларига юбора олмаётган оилалар фарзандларига ёрдам бермоқчимиз, деди марказ директори Лариса Ионова — улар «Оила»да бепул малакали тиббий кўриқдан ўтказилади. Бунинг учун барча шарт-шароитлар етарли. Хусусан, марказимизда зарур тиббий ускуналар ва таъхис жиҳозлари мавжуд. Айни пайтда кундузги стационарга ўн нафар бола қатнамоқда. Текшириш пайтида уларнинг иккитасида камқонлик ва пиелонефрит касаллиги аниқланди. Болаларга педиатр, терапевт, кардио... ва бошқа ихтисосликдаги шифокорлар хизмат кўрсатмоқда.

СУРАТЛАРДА ВАТАН СИЙМОСИ

Ўзбекистонлик беш нафар ёш rassom Харков шаҳрида ўтказилган «Қора рангларси дунё» халқро фестивалида иштирок этди. Ёш ижодкорларнинг сафари Ўзбекистон Бадий академияси, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ва «Камалак» болалар ранг тасвир студияси томонидан уюштирилди.

Машгулотда иштирок этган болалар «Ер сайёрасига тинчлик» бадий танловида голиб чиққанлар ҳисобланади. Болалар учун махсус машгулотларни Харков бадий галереясининг таниқли rassomлари, шунингдек бошқа республикалардан келган мутахассислар олиб боришти.

Машгулотлар якунида Ўзбекистонлик болалар Харковда ташкил этилган кўргазмада иштирок этишти. Улар ўз ижодларида ватан сиймосини маҳорат билан акс эттириб, томошабинлар ва ҳайъат таҳсинига сазовор бўлишти.

«Туркистон-пресс»

Ёзувчи бу воқеаларни сўзбозликка берилиб тасвирлашдан қочиб, қисқа кесатик ва ишора тарзигада жумларлар орқали баён этган. Ўткир Ҳошимов сўздан фойдаланиш санъатини пуҳга ўзлаштирган.

«Тўшда кечган умрлар» асаридан олинган мана бу парчага эътибор берсак, унда ҳам инсоннинг қалби ларзага келар даражада бадий тасвир чизилган. Унда тасвирланган воқеа қаҳрамоннинг хотира дафтарига битилган нутқ орқали ҳикоя қилинади.

Совет қўшинлари навбатдаги қишлоқки «дух»лардан тозалагач, Рустамнинг танки бир вайрона олдида тўхтади. Бу вайронада у афгон аёлининг жасадини кўради. Бу аёл дафатдан севгилиси Шаҳнозага ўхшаб кетади. Бунинг устига «вайрона остонасидан нимча қийган, аммо иштонсиз бир кайим ёшлардаги ўғил бола» чиқиб жасаднинг ёнига келганида, «мўржона-мўржона» (онажон) дея гужурлайди, тўроққа беланган қўлчалари билан онасининг маммасини чангаллаганча эма бошлайди. Бир пас эмади-да, илкис бошини кўтаради. Ҳайрон бўлиб гоҳ онасига, гоҳ итга, гоҳ Рустамга мўлтирайди. Оғзини каппа-каппа очиб, чирқиллаб йиғлаб юборади. Гўдақнинг оғзидан сўлак аралаш қон оқарди.

Бу парчадан кўриниб турибдики, ёзувчи воқеликни ўз кўзи билан кўриб, гувоҳ бўлгандек тасвирлашда сўз санъатининг ўрни каттадир. Тасвирдаги гаплардан бирон сўзини олиб ташлаш мумкин эмас. Қолаверса, адиб гўдақнинг ўлик онасининг «маммасини чангаллаб» эмгани, «оғзини каппа-каппа очиб чирқиллаб йиғлаб» юборгани, гўдақнинг оғзидан «сўлак аралаш қон оқатгани»ни кишининг қалбини ларзага солиб юборадиган даражада ишонарли тасвирлайди.

Н.Драгомурскаянинг таъкидлашича, характер яратишда ёзувчилар турли услублардан фойдаланадилар: а) бир тоифа ёзувчилар бадий характер хусусиятларини персонаж нутқи орқали акс эттирадилар; б) бошқа ёзувчиларда бадий образнинг маълум предметга муносабатида характер яратиш усули етакчилик қилади; в) учинчи бир тоифа ёзувчилар бадий образларни табиат қўйнида тасвирлаш орқали характер яратишга эришадилар.

Ўткир Ҳошимов асарларида эса юқорида келтирилган усулларнинг учала туридан ҳам фойдаланиш кўзга ташланади. Ёзувчи сўздан фойдаланишга катта маҳорат ва дид, ҳамда масъулият билан ёндашади. Шу ҳолнинг ўзи ҳам адибнинг адабиёт хазинасига такрорланмас асарлар олиб кирганидан дарак беради.

Мадинахон ИМОНКАРИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Тил ва адабиёт
институтини тадқиқотчиси.

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ УЎТГАНИД
ДОМО БЎЛУР...

● Кимки Ватанни хор қилса, у оиласидан ҳам айрилади.

● Бир донишманд шундай ади:

— Чўлда ўрмалаб юрган жониворлар ҳам туғилишда-чоқ ўз маконларини билдилар, ҳавода учувчи қўшлар ҳам, денгиз ва дарёлардаги балиқлар ҳам ўз ошёналарини ҳис қиладилар. Ҳатто болари ва шунга ўхшашлар ҳам ўз уяларини муҳофаза қиладилар. Шунинг каби одамлар ҳам қаерда туғилиб парвариси топсалар, ўша жойга чексиз меҳр қўйган бўладилар.

● Олиймақом ватанпарварлик — Ватан фаровонлиги йўлида меҳнат қилишдир.

● Дунё чексиз. Унда турли хил давлат ва ўлкалар кўп, лекин инсоннинг туққан онаси ҳам, унинг Ватани ҳам гўта.

● Ватандошларимиздан бири шундай хикоя қилади: — Шаҳар кезиб юриб Арабистондан келган меҳмон Мухаммад Назирий билан танишиб қолдим. Меҳмоннинг ўзбекларга хос бўлган исми шарифи ҳамда соф ўзбек тилида гапирини кўлоғимизга иссиқ туюлди. Ундан шу ҳақда сўрадик.

— Бунинг тарихи узун биродар, — дея сўз бошлади у. — Алҳамдилуллоҳ, мен ҳам ўзбекман. Асли тошкентликман. Ўша қувғин даврларда ота-онамизни қулоқ қилишиб, ўзга юртларга бадарга қилишган. Қанча-қанча ўлкаларни кеза-кеза охири бошпана топиб, қўноқ бўлиб қолдик. Ота-онам юрт соғинчи ила уни қайта бир бор кўриш илжинида ниятларига етмай оламдан ўтишди. Улар ўлими олдидан: «Ўғлим, агар яхши замоналар келиб, бизнинг қадамимиз етмаган она дегрға бориш сенга насиб этса, унинг бир сиқим тупроғини олиб келиб қабримиз устидан соч», дея васият қилиб бандаликни бажо келтиришди.

Уларнинг ушалмаган орзуларини рўёбга чиқариш учун кўп бор уриндим. Лекин турли тўсиқларга дуч келиб, она юртга келишнинг иложи топилмади. Фақат Ўзбекистон Тустақил юрт деб, эълон қилинганидан кейингина биз қачо мухожирларга қулай имконият туғилди. Юрт озодлиги, ҳурлиги бизга ўхшаганларга катта қувонч келтирди. Шундан бери тез-тез Ўзбекистонга келиб тураман. Тошкентда бўлиб ота-онам қўшаган жойларни зийрат қиламан. Тупроғини кўзимга суртаман. Неча-неча асрларга тенгдош, қанча-қанча қувончу ташвишларини бошдан кечирган азим пойтахт Тошкентнинг бугунги кунини билан мен ҳам фахрланаман. Бекорга ҳам кексалар: «Ўзга юртнинг шоҳи бўлгунча ўз юртининг гадоси бўл», деб айтишмаган.

Байт:

**Ватан — она сўзи
наҳадар лазиз,
Сенсан ҳар нарсадан
муқаддас лазиз.**

● Ватанни севиш — иймандандир.


КЎНГИЛЛАРГА
ШОДЛИК УЛАШИБ

Маънавияти ва маданияти юксак юртнинг бугуни ва эртаси порлоқ, истиқболи ёрқин бўлади. Зеро, маданият ва маънавият бор жойда онг ва тафаккур, ақл ва зехн, одоб ва ахлоқ биринчи ўринда туради.

Яқинда, маданият маркази яна бир хайрли ишни амалга оширишни режалаштириб қўйди. Мустақил юртимизнинг ўн икки йиллик тўйи арафасида кўнгли кемтик, қалби шикаста етим болалар, ногиронлар, қариялар учун ҳар хил театрлаштирилган томошалар, концертлар уюштириш тадбирини кўрмоқда. Марказ ходимлари нанкин Акмал Икромов туманида жойлашган меҳрибонлик уйлари, балки шахримиздаги ногиронлар уйларидаги меҳр-муруватга ташна кўнгиллarga озгина бўлса ҳам малҳам бўлишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишган. — Ниятимиз ҳар қандай шикаста дилга, озгина бўлса ҳам қувонч ва шодлик улашишдир, — дейди маданият маркази раиси Рустам Ражабий.

Жаҳон андозаларига мос келадиган биронта спорт иншооти бўлгани ўзи? Туманларда, айниқса, қишлоқ жойларда ҳатто спорт майдончаси учун ер ажратиб катта муаммо бўлган эмасми?

Спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда иштироки ҳам осон кечмаган. Йиллаб тайёргарлик кўрган, не-не синовлардан ўтган спортчио мураббийлар марказдагиларнинг қўшқовига қараб ўтиришган. Қанчадан-қанча истеъдодлар назардан четда қолиб кетган. Жаҳон чемпионатлари, олимпия ўйин-



Sevimli
SHAHRIM

Бугун Ўзбекистон фақат истеъдодли спортчи ўғил-қизлари билангина эмас, балки Йирик халқаро турнирлар ўтказилган мамлакат сифатида ҳам дунёга танилди.

Мамлакатимиз спорти ҳаётидаги бу ўзгариш ва юксалишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортни омаллаштириш, олимпия ҳаракатини ривожлантириш энг долзарб вазифа сифатида илгари сурилди.

● ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Миллатимиз
Фурури

Кеча ким эдиғи, бугун ким бўлдиқ? Ўзбекистон спортдаги юксалиш мисолида бу саволга амалий жавоб бериш мумкин. Бир ўйлаб кўрайлик, ўтган замонда республикамизда спорт иншоотлари, спортчиларимизнинг ҳақ-хуқуқлари қандай аҳволда эди?

ларига қатнашиш улар учун армонда айланган.

Миллий спорт турлари-чи? Кўплари тақикланди, ўзбек қурашига нолисандлик билан қаради. Миллий қадриятларимиз қатори, миллий спорт ўйинларимиз ҳам оёқости қилинди.

Мустақилликдан сўнг ўтган давр ичида спорт соҳасида мисоли кўрилмаган ўсишлар бўлди. Ўзбекистонимизда Истиқлол даврида бири-биридан мухташам, жаҳон андозаларига мос келадиган юзлаб спорт иншоотлари бунёд этилди. «Юнусов спорт» теннис саройи, «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуи, республика Миллий банки спорт-соғломлаштириш маскани, вилоятлар марказларида қад ростлаган замонавий теннис кортлари ва бошқа спорт иншоотларини яқин ўтмишда фақат орзу қилиш мумкин эди, ҳолос.

Мустақил тузум даврида, 73 йил мобайнида Ўзбекистондан атиги 40 нафар спортчи ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этган бўлса, биргина 1996 йили АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтган Олимпия ўйинларида мамлакатимизнинг 76 нафар спортчиси қатнашди ва ўз маҳоратини намойиш этди.

Осиё ва жаҳон чемпионатларида ҳам мамлакатимиз спортчилари кўпгаб ёрқин галабаларга эришдилар.

Боксчилар ҳам бири-биридан чиройли муваффақиятларга эришиб, Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя этиб келишмоқда.

Мақтаб ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари», лицей ва коллеж ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод», олий ўқув юртлари талабалари ўртасида эса «Универсиада» мусобақалари йўлга қўйилди. Таъкидлаш керакки, ёш авлоднинг жисмоний баркамоллигига хизмат қилувчи бундай тажриба дунёдаги бирон-бир мамлакатда учрамайди.

Ўтган йили республикамизда «Юртбошимиз ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши ҳам ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантириш, соғлом турмуш тарзига интилиш, болалар спортини ривожлантириш ва уни тарғиб этишни таъминлашга, энг муҳими бу борадаги интилишларни умумхалқ ҳаракатига айлантиришга қаратилгандир. Тошкент шаҳар Шахмат федерациясининг фаолият бошлашига ҳам ана шу жамғармининг ташкил этилиши туртки бўлди, десам адашмайман. Федерация шу йилнинг бошидан ўзининг илк фаолиятини хайрли бошлади.

Дастлаб 5-7-синфлар ўртасида шахмат бўйича шахмат турнирини ўтказдик. У «Умид ниҳоллари» дастури асосида уюштирилган бўлиб, асосан 15-спорт мактабида ўтди. Унда шахримизнинг Шайхонтоҳур тумани мактаб ўқувчилари голиб чиқиди. Сўнг биринчи, иккинчи, учинчи разрядли болалар ўртасида мусобақа уюштирдик.

Тошкент шаҳар ҳокимияти
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими
«Sevimli Shahrim» акцияси доирасида
«Озода шаҳар»
бадбириги ўйказари.

Тез кунларда Сизнинг маҳаллангизда махсус жамоа ва сеvimли радиостанциянгизнинг бошловчилари иш олиб боришади.

Сиз ўз кўчангизни чиқинди-аҳлатлардан тозаланг!

Ва Сиз сеvimли радиостанция орқали эфирга чиқиш имкониятига эга бўласиз.

Маълумотлар
ТВ телеканали,
«Пойтахт-информ»
радиостанцияси, «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент», газеталарида.

Бизнинг Тошкент-озода шаҳар!

www.tashkentkamolot.uz
Маъзил: Тошкент шаҳар, 700005, Мовароуннаҳр йўчаси, 14
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

ДЎППИ — ПОЧТА
МАРКАЛАРИДА

Ўзбек дўппилари оламга машҳур. Ўзбек миллий бадиий хунармандчилигининг бу махсулоти санъат даражасига кўтарилиб, ўзгача жозоба бахш этмоқда.

Эндиликда Маргилон, Чўст, дўҳоба, ироқи, зардўзи дўппилари мўйқалам устларининг нозик тасвирида, почта маркаларида нафис безак топди. Ўзбекистон тарихи давлат музейи омаси ҳамда «Ўзбекистон маркази» чокис ҳиссодорлик хамияти билан ҳамкорликда «Ўзбек дўпписи» деб номланган рангли маркани чикарди.

Дўппиларнинг туркум кўринишлари акс этган маркарал мамлакатимиз Мустақиллигининг ўн икки йиллиги олдидан музейнинг ноёб экспонатларига айланди.

КАШТАЛАР
КОЛЛЕКЦИЯСИ

Каштачилик — халқ амалий санъати турларидан бири бўлиб, кўп йиллик тарихга эга. XIX — XX асрларда чеварларнинг нозик бармоқлари ва ўткир зехнлари ила яратилган каштачилик санъати дурдоналарининг алоҳида коллекцияси яратилди.

Ўзбекистон Санъатшунослик институти томонидан жамланган мазкур коллекцияда у юздан ортқик энг яхши ишлардан намуналар бор. Бу санъат буюмлари Ўзбекистон тарихи давлат музейига тортиқ қилинди.

Музей ходимлари ушбу экспозиция экспонатлари бўйича кўча кўргазмалар оқшига тараддул кўришмоқда.

ТАДҚИҚОТЛАР КИТОБ
ШАКЛИДА

Тошкент Давлат шарқшунослик институти илмий ходимлари томонидан олиб борилаётган тадқиқот ишлари китоб шаклида босмага тайёрланмоқда.

Шунингдек, урдуча-ўзбекча атамалар лугати ҳам яқинда мутахассисларга тақдим этилди. Бу лугат институтининг профессори Тошмирза Холмирозавнинг кўп йиллик изланиши махсули бўлди.

ЁШ МУСАВВИРЛАР
ХОРИЖДА

Республика тасвири ва амалий санъат лицейининг истеъдодли ёшлари томонидан яратилаётган ижод намуналари халқаро кўргазмаларда ҳам муваффақиятли намойиш этилди.

Хиндистон, Япония, Россия давлатларида ўтказилган болалар ижодиёти халқаро кўрик-танловларида лицейнинг ўнга яқин ўқувчиси голиб деб топилди. Шунингдек, Россияда ташкил этилган халқаро ижодий мактабнинг «Янги номлар» кўргазмасида ҳам уч нафар ёш расом иштирок этди.

Лицей ижодкор ёшларининг Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн икки йиллигига аталган янги ижод намуналари республика кўргазмасига тақдим этилди.

«Туркистон-пресс»

Тўлқин КУКАНОВ,
Шаҳар шахмат
федерацияси котиби.

